



# ХАБАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

Газета 2004 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган,  
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz

2011 йил 29 декабрь, пайшанба  
52-(424)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Кишлоқларда намунавий уй-жой қурилиши дастурига асосан **348** та янги аҳоли пунктларидаги **7300** та хонадонга **270** километр газ қувурлари тортилиб, бу ишларга **12,1** млрд. сўм миқдорда маблағ сарфланди



Президентимизнинг «Юсак маънавият — енгилмас куч» асари ёшлар онгида соғлом дунёқарашни шакллантириш ва уларни миллий қадриятларимизга хос тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир



Парижда ўтказилган дунё биринчилигида **5** та, таэквондочиларимиз эса Бангкоқда ташкил этилган квалификация босқичда **3** та йўлланмани қўлга киритдилар



03 ПАРЛАМЕНТДА

05 Мустақам Ойла Ишти

08 ЎЗБЕК СПОРТИ

## ПАРЛАМЕНТ «ЎЗТРАНСГАЗ» ФАОЛИЯТИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ. ВА...

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИНГ БОЙ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИНИНГ ЮКОРИ ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНГАНИ БИЛАН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИ САНАЛАДИ



Парламент эшитуви

## 2012 йил янги имкониятлар йили

ОЛИЙ МАЖЛИС КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ КЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИДА КЕЙИНГИ ЎН ЙИЛДА НОДАВЛАТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СЕНИ 2 БАРОБАРГА ОШГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг "Нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида"

ахбороти эшитилган тадбирда асосий эътибор бугунги глобаллашув жараёнида оммавий ахборот воситалари кишилар онги ва дунёқарашини шакллантиришда асосий тарғибот воситасига айланиб бораётгани таъкидланди. Шу бо-

исдан ҳам мамлакатимизда соҳани ривожлантиришга истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ОАВ фаолиятини демократлаштириш ва либераллаштириш, журналистларнинг ахборот олиш кафолатларини таъмин-

2 >>>

Ёшлар қаноти >

## Ташаббускорликка ёшлиқдан тамал тоши

2011 йилда «ЁШЛАР ҚАНОТИ» ТОМОНИДАН 1800 ГА ЯКИН ТАДБИРЛАР УЮШТИРИЛИБ, ЎНЛАБ ЙИРИК ЛОЙИХАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. МАРКАЗИЙ БАНК БИЛАН ХАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ЭСА 560 НАФАР ЙИГИТ-КИЗГА ЖАМИ 3 МЛРД. СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ. БИРОК...

Яқунланаётган 2011 йил О'zLiDePнинг барча бўғинлари қатори Ёшлар билан ишлаш бўлими учун ҳам ниҳоятда масъулиятли давр бўлди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да, табиийки, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қув-

ватлаш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, йигит ва қизларни хусусий бизнесга жалб этиш, уларда ташаббускорлик ва масъулият ҳиссини тарбиялашга асосий эътибор қаратилди.

— О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими ва худудий кенгашлардаги «Ёшлар қаноти» гуруҳлари томонидан 2011 йил иш режаси, партиянинг 2010-2014 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастури, тегишли қарор ва фармойишлари асосида ёшлар орасида либерал-демократик ғояларни тарғиб этиш, Давлат дастурлари, йирик лойиҳалар ва янги конунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиги Б.Очилов. — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури, Президентимиз Концепцияси ҳамда партиянинг сайловолди платформасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 1800 га яқин тадбирлар уюштирилиб, қатор лой-

иҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Уларда асосий эътибор ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ошириш, замонавий фикрлайдиган, билим ва тафаккурда ҳеч қандам кам бўлмаган, жамиятда ўз ўрнини эгаллашга интилувчи баркамол авлодни тарбиялашга қаратилди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок эта оладиган янги авлодни тарбиялаш партия дастурий ғояларининг етакчи йўналишларидандир. 2011 йилда амалга оширилган «Диплом билан — бизнесга», «Парламентда менинг ўрним», «Ишбилармон ўқувчи» каби лойиҳалар ҳам айнан ана шу мақсадларга қаратилгани бежиз эмас.

2 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

## М.Т.Эсановни Бухоро вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Муҳиддин Турдиевич Эсанов Бухоро вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 28 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

## С.Қ.Хусеновни Бухоро вилояти ҳоқими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Самойдин Қосимович Хусенов Бухоро вилояти ҳоқими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 28 декабрь

## Озод ва обод юртга байрамлар ярашур

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ РАҲБАРИ ШЕРМАТ ШАМСИЕВ «XXI ASR» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли юзага келган вазият ҳатто ривожланган мамлакатларни ҳам мураккаб аҳволга солиб қўётган бир пайтда мамлакатимиз иқтисодиётида, хусусан, саноатда эришилаётган улкан муваффақиётлар сирини нимада, деб ўйлайсиз?

— Энг аввало, Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган, ҳар жиҳатдан мукамал дастурларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани қўлга киритилаётган салмоқли натижалар омили бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Иқти-

содиётимизнинг устувор йўналишларини модернизациялаш, истиқболли соҳаларга илғор технологиялар жорий этилаётгани эса иқтисодиётимизнинг бир маромда ривожланишини таъминлайпти. Натижада ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳаларида ўсиш ва ўзгаришлар рўй бераёпти. Бу эса ўз навбатида, кенг қўламли лойиҳаларга йўл очмоқда.

Биргина мисол: давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурига

қўра, ушбу соҳага 50 млрд. АҚШ доллари миқдорига сармоя киритиш режалаштирилгани, жами 519 та лойиҳани қамраб олган мазкур дастурнинг амалга оширилиши натижасида 2015 йилга бориб мамлакатимиз саноатининг қамати 160 фоизга ўсиши, унинг ялли ички маҳсулотдаги улуши ҳозирги 23,1 фоиздан 28 фоизгача ортиши, тайёр маҳсулотлар ҳиссасининг эса 61,2 фоизга етиши кутилмоқда. Энг асосийси, ана шу дастур ижросига жиддий киришилди ва реал натижалар қўлга киритила бошланди.

4 >>>

## БАРЧА ОРЗИҚИБ ҚУТАЁТГАН АЙЁМ

ЮРТДОШЛАРИМИЗ, АЙНИҚСА, БОЛАЖОНЛАР ХАЯЖОН БИЛАН ҚУТАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИГА САНОКЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ

Хоразм вилоятида ҳам ушбу байрамни кўтаринки руҳда, шоду хуррамлик билан нишонлашга қизғин ҳозирлик қилинмоқда. «Президент арчаси» тадбирини ўтказиш бўйича вилоят ҳокимлиги томонидан махсус ишчи гу-

руҳи тузилиб, байрамни уюшқоқлик билан ўтказиш, бу жараёнда тинчлик-осойишталикни, айниқса, болаларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишлар изчил амалга оширилмоқда.

3 >>>

## БУГУНГИ СОНДА:

О'zLiDeP нодавлат ва хусусий наشرларни тараккий эттиришни соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янада эркин фаолият юритиши ва ривожланишига туртки берувчи асосий омиллардан бири, деб ҳисоблайди. Бу бир томдан мамлакатимиздаги босма ва электрон наشرларнинг халқаро ахборот ва телекоммуникация тармоқлари билан интеграциялашувини таъминлашга хизмат қилса, иккинчидан, бу йўналишда ҳам рақобат муҳити ҳосил бўлиб, у орқали фуқароларга тақдим этиладиган хизматлар сифатини, фойдаланиш эркинлигини ва тезлигини ошириш учун шароитлар яратлади.

02 >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 27 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	▲ 1823,72	1 АҚШ доллари	▲ 1795,00	1 Ҳитой юани	▲ 283,62
1 Англия фунт стерлинги	▲ 2803,61	1 Миср фунти	▲ 298,40	1 Малайзия ринггити	▲ 568,94
1 Дания кронаси	▲ 315,43	1 Исландия кронаси	▲ 14,67	1 Польша злотийси	▲ 528,07
1 БАА дирҳами	▲ 488,75	1 Канада доллари	▲ 1756,19	1 СДР	▲ 2767,44

1 Туркия лираси	▼ 947,23	1 Япония йениси	▲ 230,25
1 Швейцария франки	▲ 1917,74	1 Россия рубли	▲ 57,43
1 ЕВРО	▼ 2341,97	1 Украина гривнаси	▲ 224,68
1 Жанубий Корея вони	▲ 15,59		

# ПАРЛАМЕНТДА

web sayti: www.21asr.uz

## 2012 йил янги имкониятлар йили



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Каҳрамон САЙДАЛИЕВ,  
«XXI ASR»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Б.Алимовнинг қайд этишича, юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, фуқаролик институтлари тизимида улар ролини ошириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ахборот соҳасидаги ислохотлар нодавлат оммавий ахборот воситалари учун кенг имкониятлар яратиб бергани учун ҳам улар сони кейинги ўн йилда икки баробарга ошди. Парламент эшитишларида айтилган 1243 та ОАВ фаолият курсатаётгани, уларнинг 704 таси газета, 254 таси журнал, 4 таси ахборот агентлиги, 63 таси телевидение, 36 таси радио, 165 таси веб-сайтлар экани таъкидланди. Жами босма нашрларнинг 43 фоизи, телеканалларнинг — 53, радиоканалларнинг 85 фоизи нодавлат ОАВ экани ҳам соҳага қаратилган эътибор самарасидир.

Бугун агентлик томонидан Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тизимли ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, жорий йилнинг сентябрь ойида «Ўзбекистон матбуоти» миллий форуми ва кўргазмаси ўтказилди. Унда 500 дан зиёд нодавлат босма нашрлар, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари вакиллари, 60 дан ортқ етакчи матбаа корхоналари, ноширлик ташкилотлари қатори Россия, Хитой, Германия, Қозғистон, Корея, Ҳиндистон, Украина ва Япония каби давлатларнинг ишлаб чиқарувчилари иштирок этдилар.

Ахборот соҳасини эркинлаштириш, нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун агентлик Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси каби фуқаролик институтлари ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, Олий Мажлис ҳузуридаги

маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳақида бормоқда. Шу боисдан ҳам Концепцияда таклиф этилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашга фракция аъзолари алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бундан ташқари, «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам О'zLiDePнинг мақсад-муддolariга тўла мос келади. Чунки унда бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ОАВнинг, айниқса, нодавлат нашрларнинг иқтисодий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш назарда тутилмоқда. О'zLiDeP нодавлат ва хусусий нашрларни таракқий эттиришни соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари-

О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, бугунги тадрижий ривожланиш тамойиллари соҳани тартибга солаётган ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришни тақазо этаётир. Шу боисдан ҳам Концепцияда таклиф этилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашга фракция аъзолари алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2011 йилнинг ўзидаги 19 та тахририят томонидан тақдим этилган лойиҳалар молиялаштирилди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан эса босма нашрлар учун 100 га яқин грантлар ажратилди, 350 дан ортқ ҳудудий ОАВнинг ёш журналистлари малакаси оширилди. Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан эса 2009-2011 йиллар давомида нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилган 300 дан зиёд тадбирлар ўтказилди. Йилнинг иштирокчиларининг фикрича, бундай тадбирлар оммавий ахборот воситалари сони ва сифатини ошириб, аҳолининг тезкор ва холис ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

Парламент эшитишларида нодавлат оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш масаласи ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоевнинг таъкидлашича, соҳа фаолиятини янада токомиллаштириш ва ривожлантиришда Концепцияда назарда тутилган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари

тўғрисида» ҳамда «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафедралари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ниҳоятда долзарбдир. Чунки мазкур қонунларнинг қабул қилиниши ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, ахборот соҳасини янада либераллаштириш, нодавлат матбуот, телевидение ҳамда радиоканаллар фаолиятини жонлантириш ва энг муҳими, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда тегишли экспертлар гуруҳи томонидан кенг муҳокама қилинаётган ушбу қонун лойиҳаларининг 2012 йилда қабул қилиниши кутилмоқда. Бу эса мамлакатимизда фаолият курсатаётган барча турдаги оммавий ахборот воситаларининг янги йилда янги ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлади, деганидир.

О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, бугунги тадрижий ривожланиш тамойиллари соҳани тартибга солаётган ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш тақазо этаётир. Бу ўринда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, ОАВ фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот мандатарининг ёпиқлигини, тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган

нинг янада эркин фаолият юритиши ва ривожланишига туртки берувчи асосий омиллардан бири, деб ҳисоблайди. Бу бир томондан мамлакатимиздаги босма ва электрон нашрларнинг халқаро аҳоли ва телекоммуникация тармоқлари билан интеграциялашуви таъминлашга хизмат қилса, иккинчидан, бу йўналишда ҳам рақобат муҳити ҳосил бўлиб, у орқали фуқароларга тақдим этиладиган хизматлар сифатини, фойдаланиш эркинлиги ва тегишли ни ошириш учун шароитлар яратилади.

Тадбирда, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари ахборот соҳаси, жумладан, ОАВ тизимида нодавлат сектор улушини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини қонунчилик талабларини бажариш борасида йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Давлат тасарруфидан чиқариш, масс-медиа бозори фаолиятини шаффоф бозор механизмларини жорий этиш, миллий ахборот маконини фаол ривожлантириш жараёнларини қўллаб-қувватлашни янада токомиллаштириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Парламент эшитишлари якуни бўйича кўмитанинг ахборот соҳасининг ҳуқуқий механизмларини янада токомиллаштириш, нодавлат оммавий ахборот воситалари самарали фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган тегишли қарори қабул қилинди.

### ДАСТУР УЧУН ТАКЛИФЛАР ЖАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йили» давлат дастурини ишлаб чиқишда жамоатчилик таклифларини шакллантиришга бағишланган видеоуроқот ўтказилди.

Кўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги вакиллари, маҳалла фаоллари, халқ таълими, олий ва ўрта-маҳсус таълим, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги мутасаддилари иштирок этган тадбирда 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» дея ном берилиши оиланинг жамиятимизда тугган ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган ишлар салмоғини оширишга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, 2012 йил учун ишлаб чиқиладиган давлат дастурининг асосий бандида оила, биринчи навбатда, эҳтижманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан кўрсатилган ҳамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маънавий шароитлар яратиш, оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз зиммасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратишни кўзда тутиш зарур. Мулоқотда ёш йигит ва қизларнинг эрта никоҳдан ўтишларининг олдини олиш, ажрашаётган оилаларга ярашиш учун бериладиган муддатни узайтириш, олий ўқув юртурларига шартнома асосида ўқишга кирган талабаларга таълим кредитлари фойзини қайтариш ва оилавий бизнес учун кредит маблағлари миқдорини кўпайтириш, жойларда ижтимоий-психологик марказлар ташкил этиш каби ўнлаб амалий таклифлар илгари сурилди.



## Ташаббускорликка ёшлиқдан тамал тоши қўйилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шухрат РАҲИМОВ,  
«XXI ASR»

«Ёшлар қаноти» фаолиятининг фикрича, ёшларга ўз бизнесларини ташкил этиш учун зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратиш, академик лицей ва касбунара коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ишбилармон ўқувчи» лойиҳаси 5600 дан ортқ йигит-қизларни қамраб олган. Танлов шартларини муваффақиятли бажариб, фахри биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган 29 нафар иқтидорли ўқувчи 2011-2012 ўқув йилларида О'zLiDeP стипендиясини олиш ҳуқуқини қўлга киритган.

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда амалга оширилган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ҳам қўзланган натижани берди, дейиш мумкин. Энг аввало, ушбу йўналишдаги ўқув-семинарлар ёшларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилди. Қолаверса, лойиҳанинг ҳудудий босқичлари якунига қўра, 605 нафар ёшга имтиёзли микрокредитлар олиш учун маҳсус сертификатлар берилди.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, айни пайтда 560 нафар ёш йигит-қизларнинг лойиҳалари молиялаштирилди. Бунинг учун тижорат банклари томонидан 3 млрд. 203 млн. 200 миң сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Лойиҳаларнинг 174 таси хизмат кўрсатиш, 176 таси қишлоқ ҳўжалиги, 207 таси ишлаб чиқариш соҳасига оиддир. Натияда юртимизнинг турли

ҳудудларида 1492 та қўшимча иш ўрни яратилди. «Ёшлар қаноти» мазкур тадбиркорлик субъектларининг келгусидаги фаолиятини ҳам қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва тажрибаларини ошириб бориш, ўрта маҳсус таълим муассасалари

қарамай, яқунланаётган йилда «Ёшлар қаноти» томонидан режалаштирилган барча ишлар тўла-тўқис амалга оширилди, деб бўлмади. Хусусан, ёш тадбиркорлар фаолиятини янада кучайтиришга қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлашда эътиборсизликка йўл қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Айниқса, бундай хатоларга Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида кўпроқ йўл қўйилди. Чекка ҳудудларда яшовчи йигит-қизларга янги иш ўринлари яратиш борасида белгиланган вазифалар ижросига етарли даражада эътибор қаратилмаганидан ҳам «Ёшлар қаноти» жиддий ҳулосалар чиқариши лозим.

Бундай хатоларга Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида кўпроқ йўл қўйилди. Чекка ҳудудларда яшовчи йигит-қизларга янги иш ўринлари яратиш борасида белгиланган вазифалар ижросига етарли даражада эътибор қаратилмаганидан ҳам «Ёшлар қаноти» жиддий ҳулосалар чиқариши лозим.

ри битирувчиларини эса ушбу йўналишга кенг жалб этган ҳолда лойиҳа қамровини янада кенгайтиришни режалаштирмоқда.

«Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси эса партия тизимида ёш етакчиларни аниқлаш, уларни ўқитиш ва тарбиялаш, раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш орқали ёш кадрлар захирасини яратишга қаратилган. Ушбу лойиҳа натижасида партия тизимида 700 нафардан ортқ ёш кадрлар захираси шакллантирилди.

2012 йилга Юртбошимиз таклифи билан «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши эса «Ёшлар қаноти» зиммасига янада масъулиятли вазифалар юқлайди, албатта. Чунки бугунги ёшлар эртага оила бошлиқлари ва уй бекаларига айландилар. Тарбиянинг аввали эса оилдан бошланади. Хонадонларимизда соғлом муҳит, хотиржамлик, маърифат ва маънавият кўнглидаги дек бўлсагина жамият раванқ топади. Аммо юқорида тилга олинган натижаларга

ларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлашда эътиборсизликка йўл қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Айниқса, бундай хатоларга Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида кўпроқ йўл қўйилди. Чекка ҳудудларда яшовчи йигит-қизларга янги иш ўринлари яратиш борасида белгиланган вазифалар ижросига етарли даражада эътибор қаратилмаганидан ҳам «Ёшлар қаноти» жиддий ҳулосалар чиқариши лозим.

«Ёшлар қаноти» ана шундай камчиликларни янги йилда бартараф этиш, йигит-қизларимизни мамлакат ҳаётига бевосита дахлдор ишларда фаол иштирок этишлари учун етарли имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. Айни пайтда шу мақсадга йўналтирилган алоҳида дастур ишлаб чиқилаяпти. Ниятимиз белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш ва ёш сафдошларимизни жамиятимизнинг энг фаол қатламларидан бирига айлантиришдир.

### Янги йилни Ўзбекистонда қутиб олаётганимдан хурсандман

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Фарзандлари билан юрган ота-оналарни, байрам совғалари харид қилаётган қувноқ ёшларни, болақайларга совға улашаётган Қорбобо ва Қорқизни кўриб, юртингизга, одамларингизга чин дилдан ҳавасимиз келди. Бу ерда менинг фарзандларим ҳам яйрапти. Юртингизда болаларнинг қишки таътили жуда мароқли ва сермаъно ўтиши учун яратилган шарт-шароит таҳсинга лойик.

Гао ЦЗИНЬТЯНЬ (Хитой):

— Ўзбекистонда Янги йил байрами кенг нишонланаётганининг гувоҳи бўляпман. Юртингизда Янги йил байрами барча ёшдагилар, айниқса, болалар учун қизиқarli ўтар экан. Қўчалар ва сайлгоҳларда турли хажм ва турдаги арчалар, ранг-баранг чироқлар, болалар учун маҳсус аттракционлар ўрнатилгани, томоша дастурлари, концертлар, кўриқ-танловлар ташкил қилинаётгани, Янги йил савдо ярмаркалари ўтказилаётгани алоҳида эътиборга молик. Бугун Ўзбекистон сайёҳлар учун энг жозибали мамлакатлардан бирига айланган. У ўзининг таровати билан ҳали кўпчиликни лол қолдиришига шубҳа йўқ. Ушбу жаннатмонанд юртга яна кўп келишни истардим.

Бухушан ДҲАР (Ҳиндистон):

— Тошкентда бундан тўрт йил аввал бўлган ва, имкон бўлса, яна албатта келаман, деб ният қилгандим. 2012 йилни халқингиз катта шодиёна билан қутиб олаётганининг гувоҳи бўляпман. Қисқа фурсат ичида азим Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада ўзгаллашибди. Янги йил арафасида Тошкент қўчаларида безатилган арчалар, ранг-баранг чироқлар осилган дарахтлар ва бинолар кўзни қувонтиради. Жажжи болақайлар билан гавжум майдонлар, боғ ва хиёбонлардаги байрам тантаналари дилларга завқ бағишлайди. Янги йилни эртакмонанд диёрингизда қутиб олаётганимдан бахтиёрман.

## Парламент «Ўзтрансгаз» фаолиятини муҳокама қилди. Ва...

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

Жумладан, «Ўзтрансгаз» бош директори Т.Жўраевнинг соҳа истеъмолчилари ҳуқуқларини рўйбга чиқаришга қаратилган чора-тадбирларга оид ахборотида мустақиллик йилларида мамлакат индустриясини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани натижасида самарали ютуқларга эришилаётгани таъкидланди.

— Сўнгги йилларда иқтисодийetni янада ислоҳ қилиш, либераллаштириш ва модернизация қилишга қаратилган давлат дастурлари ва бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши сановатнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш имконини берди, — деди йиғилишда Сановат, курилиш ва савдо масалалари кўмитаси раиси С.Жабборов. — Бу айни вақтда мазкур норматив ҳужжатларнинг ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, ижро ҳокимияти органларининг қабул қилинаётган қонунлар бажарилишини таҳлил қилишни тақозо этади. Шу боисдан ҳам куйи палатада Ҳуртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида парламент эшитувлари ташкил этилмоқда. Бугунги тадбирда ҳам «Ўзтрансгаз» акционерлик компаниясининг истеъмолчиларини белгиланган тартибда таъминлаш ва газ тақсимлаш тармоқларида ягона техник сиёсатни қандай бажараётганига доир масала таҳлил этилди.

Компания Бош директори Тўлаган Жўраевнинг таъкидлашича, мавжуд газ захираларидан унумли фойдаланиш, уларни тежаб ишлатиш мақсадида газ транспорти тизими иншоотларининг барқарорлиги ва хавфсизлигини ошириш, тизимни модернизация қилиш ҳамда бу борада инвестицияларни жалб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган даврда режадаги 1200 км. урннга 3674 км. узунликдаги магистраль газ қувурларининг ички сирти тизилди.

Ана шундай изчил ишларнинг амалга оширилиши натижасида магистраль ва магистралага газ қувурлари тортилди. Ширин ГТС эса тоза (олтингургурсиз) газга ўтказилиши муносабати билан реконструкция қилинди. Навоий эркин иқтисодий-индустриал худудини газлаштириш мақсадида «Навоий-1» ГТСга 3,1 км. узунликдаги қўшимча тармоқ қурилди, компрессор станцияларининг ишончли ишлашини таъминлаш учун 25 та газ ҳайдаш агрегатида — мукамал, 53 тасида эса ўртача таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, газ олиш мавсумида қудуқларнинг бир меъёрга ишлашини таъминловчи 70 та газ қудуғи замонавий мобил ускуналар ва тезкор технологиялар ёрдамида капитал таъмирланди. Қўшимча газ олишни кўпайтириш учун эса 3 та газ қудуғи янгидан бургуланиб, ишга туширилди.



Парламент эшитувларида газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар натижаси ҳам муҳокама қилинди.

Парламент эшитувларида газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, компаниянинг «Бирлашган компьютер ҳисоботи ва газни ҳисобга олиш» хизматининг йиллик иш режасига мувофиқ таъминловчи газ тармоқларига ноқонуний уланиш истеъмолчиларни аниқлаш, уларга нисбатан қонуний қоралар бўлиши учун тузилган далолатномаларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларига топшириш, улар томонидан келтирилган моддий зарар ва ундирилган пул маблағлари бўйича маълумотларни ойма-ой жамлаш ва истеъмолчиларни газдан

оқилона фойдаланишлари бўйича доимий мониторинг олиб борилаётган. Йиғилишда, шунингдек, соҳада ўз ечимини қутаётган масалалар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, айрим худудларда газ босими етарли эмаслиги, таъминотда узилтишлар мавжудлиги истеъмолчиларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлаётгани таъкидланди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари амалга оширилди. Газ қувурларининг яроқсиз қисмлари эса алмаштирилди. Бундан ташқари, қишлоқларда намунавий уй-жой қурилиши дастурига асосан 348 та янги аҳоли пунктларидаги 7300 та хонадонга 270 километр газ қувурлари тортилиб, бу ишларга 12,1 млрд. сўм миқдориди маблағ сарфланди.

Парламент эшитувларида газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, компаниянинг «Бирлашган компьютер ҳисоботи ва газни ҳисобга олиш» хизматининг йиллик иш режасига мувофиқ таъминловчи газ тармоқларига ноқонуний уланиш истеъмолчиларни аниқлаш, уларга нисбатан қонуний қоралар бўлиши учун тузилган далолатномаларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларига топшириш, улар томонидан келтирилган моддий зарар ва ундирилган пул маблағлари бўйича маълумотларни ойма-ой жамлаш ва истеъмолчиларни газдан

оқилона фойдаланишлари бўйича доимий мониторинг олиб борилаётган.

Йиғилишда, шунингдек, соҳада ўз ечимини қутаётган масалалар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, айрим худудларда газ босими етарли эмаслиги, таъминотда узилтишлар мавжудлиги истеъмолчиларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлаётгани таъкидланди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари амалга оширилди. Газ қувурларининг яроқсиз қисмлари эса алмаштирилди. Бундан ташқари, қишлоқларда намунавий уй-жой қурилиши дастурига асосан 348 та янги аҳоли пунктларидаги 7300 та хонадонга 270 километр газ қувурлари тортилиб, бу ишларга 12,1 млрд. сўм миқдориди маблағ сарфланди.

Парламент эшитувларида газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, компаниянинг «Бирлашган компьютер ҳисоботи ва газни ҳисобга олиш» хизматининг йиллик иш режасига мувофиқ таъминловчи газ тармоқларига ноқонуний уланиш истеъмолчиларни аниқлаш, уларга нисбатан қонуний қоралар бўлиши учун тузилган далолатномаларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларига топшириш, улар томонидан келтирилган моддий зарар ва ундирилган пул маблағлари бўйича маълумотларни ойма-ой жамлаш ва истеъмолчиларни газдан

## Ислохотларнинг амалдаги ифодаси

Янги йилга ном бериш амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг жамиятнинг ҳар бир фуқаросига ҳуқуқий-демократик давлат қурилишида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият эканлигини сўзда эмас, амалда ифодаланаётганлигини дилдан ҳис қилиш имконини ҳам бермоқда

Шу маънода 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши юртимиздаги барча оилалар, улар бағрида камол топаётган фарзандларимиз учун катта эътибор йили бўлишидан дарак бермоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, оила кўргонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларни ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш О'зЛиДеР «Аёллар қаноти» зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Айни пайтда О'зЛиДеРга аъзо бўлган сафдошларимизнинг 65 минг нафардан зиёдини аёллар ташкил этмоқда. Уларнинг 20 мингдан ортиғи ишбилармон ва тадбиркорлардир. Улкан ютуқ ва зафарлари билан тарихга айланаётган «Кичик биз-

нес ва хусусий тадбиркорлик йили»да улар кўмаги ва ташаббуси билан 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Жойларда ўтказилган минглаб тадбирлар орқали хотин-қизларимизнинг сиёсий фаоллиги, тадбиркорликдаги кўникмаларини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли тарғиб-ташвиқот ишлари амалга оширилди. «Аёллар қаноти»нинг «Тадбиркорлик таъминоти» ва ишбилармонлик имкониятлари», «Маҳаллани оилавий бизнесга айлантиришда О'зЛиДеР «Аёллар қаноти»нинг роли» сингари йирик лойиҳалари туфайли юзлаб хотин-қизлар ўз бизнесини йўлга қўйиш имконига эга бўлдилар. Бу шунча оила даромадининг янада ортиши учун имконият яратилди, деганидир. Шу назардан,

О'зЛиДеРнинг 2012 йилга мўлжалланган иш режаси ҳамда «Мустаҳкам оила йили» давлат дастури учун тақдим этаётган тақлифларимизда тадбиркорлик ва фермерлик, хунармандчилик, қасаначилик, шунингдек, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар учун яратиб берилаётган шароитлардан унумли фойдаланишга жиддий эътибор қаратишга доир тавсияларга кенг ўрин берилди.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 19 йиллигига бағишланган маърузасида бир масалага алоҳида эътибор қаратдилар. У ҳам бўлса, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, улар учун яратилаётган кўмак, имтиёз ва им-

кониятларни янада кенгайтириш, уй-жой билан таъминлаш масалаларидир. Давлатимиз раҳбарининг: «Буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамиятимиз масъулдир», деган сўзлари О'зЛиДеР учун ҳам дастуриламал вазифасини ўтамоғи керак.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 19 йиллигига бағишланган маърузасида бир масалага алоҳида эътибор қаратдилар. У ҳам бўлса, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, улар учун яратилаётган кўмак, имтиёз ва им-



Нилуфар ХОТАМОВА, О'зЛиДеР Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ходими

## Барча орзиқиб кутаётган айём

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎЗА мухбири

Урганч шаҳар ҳокимлиги томонидан шаҳарнинг кўча ва хиббонлари, маданият ва истироҳат боғлари ҳамда аҳоли гавжум жойлар байрамона безатишда «Президент арчаси» тадбирининг юксак савияда ўтишини таъминлаш учун Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётган.

Урганч шаҳрида 2011 йилнинг 29 декабрь кунини Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда маҳаллаларда ис-

тикомат қилаётган, айрим сабабларга кўра ота-онасиз қолган болақонлар учун Янги йил байрам тадбири ташкил этилади. Вилоятда ўтказилаётган «Президент арчаси» тадбирларида мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш, эл-юртимиз озодлиги ва тинчлиги йўлида ўз жонини қурбон қилган мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар тизимлари ҳамда миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг фарзандлари тақлиф этилади. Уларга Президент совғалари топширилади.

Айни кунларда вилоятдаги бадий жамоалар, санъат йўналишидаги таълим муассасалари, эстрада санъати усталари ва ёш ижрочилар, кўғирчоқ театри артистлари ва бошқа ижодкорлар томонидан Янги йил байрами тадбирлари учун ранг-баранг концерт дастурлари тайёрланмоқда.

— Ҳуқуқчиларнинг қишки таътил кунларини янада мароқли ва мазмунли ўтказиш учун жамоамиз сеvimли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги асарларни сахналаштирмоқда, — дейди Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг бош режиссёри Жўрабек Рўзमतов. — Улар таътил давомида болақонларга туҳфа этилади.

## Талабаларга байрам туҳфаси

Янги йил байрами арафасида тошкент ахборот технологиялари университети самарқанд филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди

Мамлакатимиз таълим тизимида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, касб-хўнар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Махсус давлат дастурлари асосида таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимиз тараққиёти ва бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланаётган.

Бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 2 июнда қабул қилинган «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарорга кўра, Фарғона, Қарши, Нукус, Урганч ва Самарқанд шаҳарларида Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиаллари ташкил этилди.

Университетнинг Самарқанд филиалида ҳам асосий диққат-эътибор ахборот ва коммуникация соҳалари бўйича етук мутахассислар тайёрлашга қаратилган.

Уч қаватли ушбу замонавий бинода ёшларнинг пухта билим эгаллашлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Уттизта ўқув аудиторияси, ўн та компьютер синфи, иккита лаборатория керакли жиҳозлар билан таъминланган. Бундан ташқари, видеоконференция зали, мультимедиа синфи, лингафон хонаси, электрон кутубхона ва ахборот ресурс маркази, спорт залида ҳам барча имкониятлар мавжуд. Ишонимизки, ёшларимиз бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, соҳа бўйича етук мутахассислар бўлиб етишади.

(ЎЗА)

## Фаровонлик оиладан бошланади

Юртбошимиз тақлифи билан 2012 йилга «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДЕБ НОМ БЕРИЛИШИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ БЎЛМИШ МАҲАЛЛАЛАР МАВҚЕИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ, ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРАДИ, АЛБАТТА



Дилмурод ШЕРПАЕВ, Камаша туманидаги Ибн Сино маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Аҳоли фаровонлигини таъминлашда биринчи галда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш керак, деб уйлайман. Чунки хонадонларимизнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши нафақат оила, балки жамият равнақи ҳам хизмат қилади. Буни 9 минг аҳоли истиқомат қилаётган маҳалламиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Юртимизда тадбиркорлик учун яратиб берилган қўлай шарт-шароит туфайли жорий йилда 30 та оила ўз бизнесини йўлга қўйиб, юзга яқин ёшларни иш билан таъминлади.

вонлигини оширишга ҳисса қўшаётган ташаббускор кишилар талайгина. Дурадгор Баҳодир Чориев ана шулардан бири. У ясаётган замонавий сандиқлар харидорлиги билан ҳам ажралиб туради. Яна бир маҳалладошимиз Холмамат Хўжаназаров эса турли мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, Адолат Нормуродова ўз цехида ёш қизларга тикувчилик сирларини ўргатапти. Зиннат Назарова эса миллий ўйинчоқлар тайёрлаш орқали фарзандларимиз маънавий тарбиясини юксалтиришга ҳисса қўшаётган. Бундан ташқари, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да маҳалламизнинг 20 нафар фуқароси банк муассасаларидан кредит олиб, ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйди.

Юртбошимиз Конституциямизнинг ўн тўққиз йиллигига бағишланган тантанали тадбирда таъкидлаганларидек, бугунги кунда биз ҳеч қандам кам бўлмайдиган демократик давлат, ҳаққимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб борилаётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз лозим. Бунда оилавий ҳаётга эндигина қадам қўйган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий мадад бўлиш ниҳоятда муҳимдир. Ана шулардан келиб чиқиб, биз шу кунларда кейинги йилда маҳалламизнинг моддий ва маънавий фаровонлиги ва ривожига қаратилган амалий тадбирлар режасини ишлаб чиқаримиз.

# Озод ва обод юртга байрамлар ярашур

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀



— Бунда мамлакатимиздаги энг йирик sanoat korxonalaridan biri hisoblanmish «Муборакнефтьгаз»нинг ҳиссаси қандай бўлмоқда?

— Хар қандай лойиҳа ва дастур қанчалик аҳамиятли бўлмасин, ўз вақтида амалга оширилмаса, кўзланган натижага эришиб бўлмайди, албатта. Шу боис давлатимиз раҳбари ва ҳукуратимиз томонидан белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш учун бор ҳар қандай имкониятларимизни ишга солаёلمиз. Шу мақсадда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш ва сифатини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланишга ҳаракат қилаёلمиз. Бунда барча технологик жараёнларни мукамаллаштириш орқали сарфланётган материаллар, эҳтиёт қисмлар, электр энергияси, ёнилғи, сув сарфини камайтириш, кўрсатилаётган хизматлар миқдори ва бошқа харажатларни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш учун локализация дастури бўйича валюта ҳисобига олиб келинаётган технологик асбоб-ускуналар, насос-компрессор агрегатлари эҳтиёт қисмлар мамлакатимизнинг машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқарилишига эришилаётгани жуда кўл келмоқда. Тармоқда етакчи ўрин тутадиган корхонамиз жамоаси эса ички имкониятларини ишга солиб, нефть ва газ қудуқларини бургулаш, насос-компрессор агрегатларини таъмирлашда тежамкорликка эришмоқда.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонамиз хар йили ўтказиладиган инновацион гоьлар республика ярмаркасида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Илмий-техшириш ҳамда олий ўқув юртлари билан

Корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан ишчи-хизматчилар яшаш шароитини яхшилаш мақсадида Қарши шаҳрида — **40**, Муборак шаҳрида **48** хонадонга мўлжалланган кўп қаватли замонавий уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аини пайтда Қарши шаҳрида **56** хонадондан иборат кўп қаватли уй қурилиши жадал олиб борилаёпти. «Мустаҳкам оила йили»да вилоят марказида яна битта кўп қаватли турар-жой биноси қурилишига киришилади.

ҳамкорликда ёқиладиган газларни тозаловчи сопол фильтр аппарати ҳамда патронларнинг синов намунасини тайёрлаш ва тажрибадан ўтказиш, ҳаво компрессори учун юкори иссиқликка чидамли металл филтрларни тайёрлаш бўйича инновацион технологияларни қўллашга доир ишлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ички локализация дастурига мувофиқ таъмирлаш-механика цехида кичик ҳажмдаги теплообменник, нефть қудуқлари учун ўлчов сепаратори, юк кўтариш мосламалари, чилангарлик асбоблари ва насос-компрессор агрегатларининг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— **Қашқадарё вилоятининг мамлакатимиз иқтисодиётида тугган ўрни ва мавқеи жуда баланд. Бунда воҳада фаолият кўрсатаётган нефть ва газ sanoati korxonalarining ҳиссаси бекиёсдир. Аини пайтда bevosita «Муборакнефтьгаз» унитар корхонаси вилоят аҳолиси турмуш**

**тарзини юксалтириш, умуман, худуд инфратузилмасини бугунги кун талаблари даражасига етказишдаги иштроки хусусида ҳам гапириб берсангиз.**

— Бу саволга жавоб қайтаришдан аввал, Ўртбошимизнинг халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги гапларини ёдга олишни истардим. «... Қашқадарё деганда, барчамиз гўзал ва бетакрор бир ўлкани, шу заминга меҳр ва садоқат билан яшаётган, меҳнат қилаётган бағрикенг, азми қатъий инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз. Бу заминнинг ер ости ва ер усти бойликлари, галла ва пахта етиштириш бўйича республикамизда етакчи ўринда туриши, бугунги кунда юртимизда қазиб олинаётган табиий газнинг 88 фоизи, нефтьнинг 93 фоизи аини шу вилоят ҳиссасига тўғри келиши шундай деб айтишга тўлиқ асос бўлади».

Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз таъкидлаганларидек, воҳа-

мизда мужассам бўлган моддий ва маънавий бойликлар, иқтисодий ва интеллектуал салоҳият мустақиллик йилларида ўзининг нималарга қодир эканлигини амалда ёрқин намоён этди. Мамлакатимиз sanoatinинг фахри ҳисобланмиш «Шўртаннефтьгаз» унитар шўба корхонаси, «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўба корхоналари ёнилғи-энергетика базасини мустаҳкамлаш баробарида тармоқда меҳнат қилаётган минг-минглаб ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилашга биринчи даражали аҳамият қаратмоқда. Бу жараёнда «Муборакнефтьгаз» унитар шўба корхонаси ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшаёпти. Кўпминг кишилик жамоамиз нафақат Му-

Касби туманидаги «Юксалиш» қишлоғида 5 та коттеж уй-жой барпо этилди.

Жорий йилда эса «Янги Қорақум», «Сандал», «Ўзбекистон», «Қамай», «Мирмирон», «Хонобод», «Богбон», «Дўстлик», «Пўлати» ва «Хумо» аҳоли пунктлари худудларида 40 та замонавий уй-жой қурилди.

2012 йилда намунавий лойиҳа бўйича Қарши туманидаги «Ер-тепа», «Кат», Шаҳрисабз туманидаги «Шаматон», «Оқсув», Яқкабоғ туманидаги «Чайдари», «Хиёбон», «Кўшчинор», Миришкор туманидаги «Чандир», Муборак туманидаги «Янги Қорақум», Косон туманидаги «Дўстлик», Касби туманидаги «Муғлон» қишлоқларида 100 та коттеж типидagi уй-жой қурилади.

Бундан ташқари, корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан ишчи-

хабардорсиз, албатта. Айтинччи, бугун вилоятда озик-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқаришга маҳаллий корхоналар қай даражада ҳисса қўшмоқдалар?

— Воҳадаги чекка худудлар аҳолисини иш билан таъминлаш, халқимиз турмуш даражасини ошириш мақсадида қишлоқ жойларда паррандачилик, чорвачиликни ривожлантириш орқали гўшт ва сўт маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, иссиқхоналар ташкил этиш, асаларичиликни самарали йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Бу муҳим жараёнда «Муборакнефтьгаз» унитар шўба корхонаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан корхонамиз ёрдამчи хўжалигида 1320 бош майда шохли мол боқилаёпти.

Жорий йилда Шаҳрисабз туманида 19 гектар майдонда интенсив боғ яратилди. Бу ерда Сербиядан келтирилган 12680 дона ярим пакана олма кўчати парвариланаёпти. Бундан ташқари, 6 гектар майдонга маҳаллий навлардан 5000 дона ток кўчати экилди. 2012 йилда эса 25 гектар майдонда боғ ва тоқзор барпо этиш учун ҳозирлик кўраёلمиз. Муборак тумани худудидан ажратилган 57,5 гектар суғориладиган ерда яқунла-наётган йилда 11 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилди ва корхона бўлималарига экиш учун етказиб берилди. 30 тонна арпа, 55 тонна полиз, 16 тонна сабзавот, 10 тонна пивёз, 15 тонна картошка, 8,5 тонна узум ҳосили олинди. Чорва моллари озуқа базасини яратиш учун 74 тонна беда пичани тайёрла-ниб, 33 гектар майдон яйлов учун ажратилди. Жами 2700 квадрат метр иссиқхона, 1 гектарлик балиқ ҳовузи барпо этилди.

Ушбу йўналишдаги ишлар 2012 йилда ҳам давом эттирилади. 20 минг дона товуққа мўлжалланган паррандачилик, 50 бош қорамол боқиладиган бўрдоқчилик хўжаликларини ташкил этиш, 300 оила асалари сотиб олиш, ем-хашак, аралаш озуқа ва тайёр маҳсулотларни сақлаш учун омборхона қурилиши, шунингдек, мавжуд яйловни 100 гектарга етказишни мўлжаллаб турибмиз.

— «XXI asr» газетаси ўқувчиларига Янги йил тилақларингиз...

— Ўртбошимиз таклифи билан янги йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилишида чуқур маъно ва мазмун мужассамдир. Чунки оилаларимиз мустаҳкамлиги мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигининг асосидир. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, нефть ва газ sanoati ходимларини, шунингдек, «XXI asr» газетаси ўқувчиларини Янги йил билан самимий табриклайман.

2012 йил барчамизга қутлуг ва омадли бўлсин!



Сухбатдош:  
Зумрад АБРОРОВА



борак тумани, балки вилоятда амалга оширилаётган ислохотларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини яхшилаш ва уй-жой қурилишида лойиҳалашни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш мақсадида биргина 2010 йилнинг ўзида намунавий лойиҳа асосида Муборак туманидаги «Янги Қорақум» қишлоқ аҳоли пунктида 10 та,

хизматчилар яшаш шароитини яхшилаш мақсадида Қарши шаҳрида — 40, Муборак шаҳрида 48 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли замонавий уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аини пайтда Қарши шаҳрида 56 хонадондан иборат кўп қаватли уй қурилиши жадал олиб борилаёпти. «Мустаҳкам оила йили»да вилоят марказида яна битта кўп қаватли турар-жой биноси қурилишига киришилади.

— **Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати сифатида худудда Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлардан яхши**



# 2012 — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

web sayt: www.21asr.uz

## Оила — жамият таянчи

ТЕРМИЗ ШАҲРИДА «МУСТАҲКАМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

**Фарход ТОШБОЕВ,**  
«XXI ASR»

O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси, вилоят кенгаши депутати Мавлуда Қобулова, O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдулҳаким Турдиев сўзга чиқиб, «Мустаҳкам оила йили»да оилани мустаҳкамлаш, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол фарзандларни вояга етказишга доир устувор вазифаларни изчил давом эттириш хусусидаги мулоҳазаларини билдирдилар.

— Айниқса, бугун Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарининг туб моҳияти ҳақида кўпроқ фикр юритишимиз лозим, — деди М. Қобулова. — Мазкур асар ёшлар онгида соғлом дунёқарашни шакллантириш ва уларни миллий қадриятларимизга хос тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Албатта, соғлом фикрли, маънавий етук ёшлар келажакда мустаҳкам оила барпо этиб, юртимиз қудратини юксалтиришга ҳисса қўшади. Маънан юксак ва моддий муаммолардан холи оилалар эса мустаҳкам бўлади. Янги йилда

бу борада олиб бориладиган ишлар O'zLiDePнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Айни пайтда O'zLiDeP вилоят кенгаши ўз сафига 21 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган. Уларнинг 16 мингдан ортигини аёллар ва йигит-қизлар ташкил этади. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да партия ташкилоти томонидан оилаларда томорқадан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда хусусий секторни ривожлантириш каби мавзуларда қизиқарли тадбирлар ташкил этилди. Касб-ҳунар коллежларини тугатиб, мустақил ҳаётга йўлланма олган кўплаб йигит-қизларнинг хусусий секторда фаолият юритишига амалий ёрдам берилди.

— «Мустаҳкам оила йили»да эса бу борадаги ишлар янада кучайтирилиши, энг олис қишлоқлардаги оилаларни ҳам иқтисодий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими раҳбари Гўзал Ибрагимова. — Бунинг учун ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий бизнеснинг бошқа қулайликларини янада кенгроқ тарғиб қилиш лозим. Томорқада иссиқхона ташкил этиш истаги бўлган оилаларнинг муаммоларини ҳал қилишга тижорат



банкларидан кредит маблағлари олишга ёрдам бериши, электротармоқда ишчиликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

— Анжуман фойдали тавсияларга бой бўлди, — дейди Термиз шаҳридаги 2-академик лицей ўқувчиси Шавкат Эшмирозев. — Оилада ота-она ва фарзандлар бурчини, миллий урф-одатларимизнинг нечоғлик юксак эканини янада чуқурроқ англаб етдик. Албатта, яхши ўқиб, келажакда Ва-

танга муносиб фарзандлар бўлиб вояга етишимиз учун барча шароит яратилган. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланган йигит-қиз ўз оиласи нуфузини оширади, ота-онасининг ишончини оқлайди. Оилани моддий ва маънавий мустаҳкамлашга, тинч-осойишта ҳаёт кечиришга муносиб ҳисса қўшади.

Баҳс-мунозаралар асосида ўтган тадбир якунида ёшларни огоҳлик ва аҳилликка тарғиб этувчи саҳна асарлари намойиш этилди.

## «Оҳалик-Ломанн-Парранда» янгилинишлар йўлида

ДОНИШМАНД ЭЛИМИЗ ПАРРАНДАЧИЛИКНИ БЕЖИЗ «ЕТТИ ҲАЗИНАНИНГ БИРИ», ДЕБ АТАМАЙДИ. БУНДА ТОВУК ГЎШТИНИНГ ПАРХЕЗБОПЛИГИ-Ю, ТУХУМИНИНГ ИНСОН УЧУН ЗАРУР МОДДАЛАРГА БОЙЛИГИ НАЗАРДА ТУТИЛГАН БЎЛСА, АЖАБ ЭМАС



**Муҳаббат РАВШАНОВА,**  
«XXI ASR»

«Оҳалик-Ломанн-Парранда» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси бугун нафақат Самарқанд вилояти, балки республикамизнинг деярли барча ҳудудларига зотли жўжа етиштириб бераётган йирик корхоналардан бири ҳисобланади. 14 йилдан бери Германиянинг дунёга машҳур «Ломанн Тирцухт» фирмаси билан ҳамкорлик қилиб келаятган собиқ «Оҳалик» паррандачилик фабрикасида авваллари «Беларусь-17», «Беларусь-19» ва Қозғис-тоннинг «Олатов» товуқлари боқиларди. Акциядорлик жамияти қўшма корхонага айлантирилгач, Германиядан «Ломанн-Браун» зотли она товуқлар келтирилиб, зотдор паррандачилик йўлга қўйилди. 2002 йилга келиб қўшма корхонада маҳсулдорлик 92 фоизга етказилди. 2003 йилдан «Ломанн Lsl классик» зотли оқ рангли она товуқлар олиб келиниб, улар сони уч йилда 120 минг бошга етказилди.

— Жорий йилда вилоят-

лардаги фермер хўжалиқларига 250 минг бош 4 ойлик жўжа етказиб бердик, — дейди «Оҳалик-Ломанн-Парранда» қўшма корхона директори Икром Раҳматов. — Юртимизда тадбиркорликка берилаётган эътибор корхонамиз фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурга биноан ҳорридан соатига 10 тонна омухта ем ишлаб чиқарадиган технология линияни келтириб ўрнатдик. Янги завод жорий йил бошидан ишга ту-

ширилди. Бундан ташқари, Украинанинг «Техно» компаниясидан 30 минг бош она товуқни сақлашга мўлжалланган замонавий ускуналар сотиб олинди.

Аҳолининг пархез гўштга талаби юқорилиги туфайли Германиянинг «Росс-308» зотли она товуқлар парваришини йўлга қўйдик. 2009 йилда — 4200, 2010 йилда — 11 500, жорий йилда эса 18000 бош ана шундай наслдор парранда олиб келинди. Уларнинг жўжалари 30-35 кунда 1-1,2 килограммгача тош босади.

Шу мақсадда она товуқлар сонини кўпайтириш мақсадида Эрондан янги ускуналар сотиб олдик. Натижада жорий йилнинг тўхтин ойида 2 млн. 650 минг бош жўжа, 4 млн. 200 минг дона насли тухум етказиб бериш имкониятига эга бўлдик.

Қўлга киритилаётган бундай ютуқлар корхонанинг янги режаларига асос бўлмоқда. Негаки келгуси йил бошида амалга ошириладиган ишлар қаторида Россиядан яна ўн та замонавий инкубатор ускуналари жамланмасини олиб келиш назарда тутилган. Бу эса иш ҳажмининг ортиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланишига хизмат қилади, албатта.

Паррандачиликдек нозик соҳанинг ўзига хос сир-асрорларини яхши билганларгина самарали натижаларга эриша оладилар. Айтиш мумкинки, қўшма корхонада меҳнат қилаётган 500 нафарга яқин ишчи-хизматчининг аксарияти ўз касбининг фидойиларидир. Корхона ишчиларининг 160 нафарга яқинини эса O'zLiDeP аъзолари ташкил этадилар. Улар ўз зиммасидаги вазифаларни зид-ёқда билан удалаш баробарида жамоада либерал ғояларни тарғиб ва ташвиқ этишда ҳам алоҳида ўрнатқич қўрсатишмоқда.

## ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Давлат статистика кўмитаси ахборот хизмати маълумотларида корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистрга киритилган кичик бизнес субъектлар (фермер хўжалиқларидан ташқари) сони жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра — 247 208 тага етди.

Эътиборли томони шундаки, 2011 йилнинг январь-ноябрь ойларида давлат рўйхатидан ўтган 33092 та тадбиркорлик субъектининг 22309 таси (67,4 фоизи) ишлаб чиқариш (шу жумладан, 7394 таси саноат), 10783 нафари эса хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар натижасида бизнес субъектларининг иқтисодий таъминоти улуши мунтазам ошиб бораёпти. Жумладан, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида уларнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 50,5 фоизни ташкил этган бўлса, саноат соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг 20,7 фоизи, иш билан банд бўлганларнинг 74,2 фоизини айнан кичик бизнес субъектлари ташкил этган.

## Касбим менинг — бахтим менинг

ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН 2012 ЙИЛНИНГ «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ, АЙНИҚСА, ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР УЧУН АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

**Бахшулло ЖУМАЕВ,**  
Бухоро шаҳридаги «Совға» зардўзлик маркази раҳбари, O'zLiDeP шаҳар кенгаши аъзоси

Шаҳсан мен, мустақиллик берган имкониятлар туфайли 1995 йилда зардўзлик марказига асос солган эдим. Ўтган даврда 500 дан ортиқ киши миллий ҳунармандчиликимизнинг турли йўналишлари бўйича шуғулланди. Эндиликда эса фаолият турларини янада кенгайтириш имкониятига эга бўлдик.

Шу ўринда, болаликдан меҳр қўйган касбим туфайли дуненинг бир қатор мамлакатларида бўлиб, хорижий тажриба ўрганганим, ҳамкорлар

орттирганимни таъкидлашни истардим. Жумладан, Покистонда ўтказилган жажон фестивали доирасидаги халқаро кўргазмада бухоролик зардўз аёллар қўлида сайқал топган бетакорор буюмлар халқаро миқёсда тан олинди. «Усталар иш устида» деб номланган фестивалнинг зардўзлик ва каштачилик йўналишида жамоамиз фахрли 1-ўринни олди. 1997 йилда эса «Ташаббус» кўриктанловида иштирок этиб, Президентимиз совғаси — «Тико» автомашинаси билан тақдирланганим.

Кейинги йилларда эса Англия, Франция, Испания, Россия, Покистон ва Германияда шахсий кўргазмаларимни ташкил этдим. Швейцарияда бўлиб ўтган йирик

анжуманда эса марказимиз фаолияти муносиб баҳолашиб, унга халқаро сифат «Олтин юлдузи» топирилди.

Айни пайтда фарзандларимдан бири — Бобир — миниатюрочи уста, «Ўзбекистон белгиси» нишондори, Нодир эса ўз касбига меҳр қўйган заргар бўлиб етишди. Хар иккиси ҳам «Хунарманд» уюшмаси аъзоси сифатида бир қатор хорижий мамлакатларда ўз кўргазмаларини ташкил этганлар.

Буларнинг барчасига тадбиркорлик туфайли топилган даромад эвазига эришяпман, албатта. Янги — «Мустаҳкам оила йили»да эса бундай ютуқлар, муваффақиятлар салмоғи янада ошишига ишончим комил.

## Янги шифохона ишга тушди

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ТОМДИ ТУМАНИНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИ — ТОМДИБУЛОК КЎРҒОНИДА ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА МАЖМУАСИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

**Ёркул УМАР,**  
ЎЗА муҳбири

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлом бола туғилиши ва баркамол вояга етиши учун зарур шарт-шароит яратиш, мавжуд тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янгиликларни барпо этиш борасида кенг қўллаш ишлар амалга ошириляётгани алоҳида таъкидланди.

Навоий вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари, қишлоқ жойлари ва олис чўл ҳудудларида ҳам аҳоли саломатлигини таъминлаш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойлардаги тиббий муассасалар фаолияти замон талаблари даражасида такомиллаштирилмоқда.

Томдидублоқ кўрғонидаги шифохона қурилишини Нуротадаги «Хит тренинг» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари амалга оширмоқда. Ҳозиргача улар томонидан 3,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, шифохонанинг жаррохлик, болалар, ички касалликлар, шешлич тиббий хизмат, ташхис-таҳлил лабора-

торияларини тўлиқ фойдаланишга топширилди. — Янгидан қад ростилаётган туман тиббиёт бирлашмаси 85 ўринга мўлжалланган бўлиб, унинг 50 ўринли биринчи навбати ишга тушди, — дейди Томди тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиги Камашул Нағашибоева. — «Мустаҳкам оила йили»да шифохона тўлиқ ишга тушади.

Айни кунда Томди туманида бешта қишлоқ врачлик пункти, иккита қишлоқ участка шифохонаси, йигирмадан ортиқ тиббий пункт фаолият кўрсатмоқда. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашиб бу тиббиёт муассасаларида қарийб 300 нафар шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилмоқда.



**САМАРҚАНД.** O'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Пахтачи тумани тиббиёт коллежиди «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит яратиш «Аёллар қаноти»нинг устувор йўналишидир» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Халқ депутатлари, маҳаллий кенгаш депутатлари, вилоят солиқ инспекцияси ходимлари ҳамда партия фаоллари иштирок этган ушбу тадбирда хотин-қизларни эркин меҳнат фаолиятига кенгроқ жалб этиш, улар учун жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари хусусида фикр юритилди.

— Иш фаолиятини 2006 йилда чакана савдодан бошлаганман, — дейди «Қора мустанг» хусусий корхонаси раҳбари Розия Ботирова. — Жорий йилда «Микрокредитбанк»дан 80 млн. сўм миқдорда кредит олиб, «Равза Султанообод Саховат Сервис» тивувчилик корхонасини очдик.

Айни кунда жамоамизда 40 дан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатаямиз. Келгуси йилда ўз фаолиятимизни янада кенгайтириш, коллеж битирувчиларини сафимизга жалб этиш мақсадида янги қандолатчилик цехи ва ўкув маркази очишни режалаштирганмиз.

**КАШҚАДАРЁ.** «Гиёҳвандлик — аср вабоси». O'zLiDeP вилоят кенгаши савий-ҳаракати билан Нишон тумани ҳокимлигида ўтказилган тадбир ана шундай номланди. Унда навақирон ёшлар, партия фаоллари иштирок этишди. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жойларда йигит-қизларни огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи қатор йигилишлар ташкил этдик. Бундай тадбирлар уларни она юртва меҳр, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда муҳим аҳамият касб этаётир, — дейди вилоят кенгаши аппарати раҳбари А.Нусуров. Анжуманда ёш авлоднинг маънавий камолоти ҳақида гамхўрликни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланиб, бу борада партия фаоллари олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратилди.

Хўрликни тадбиркор ва амалдорлар!  
**ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ**  
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятини турли ноқонуний аралашулар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.  
Феолиятингизда бирор муаммо истага келса, сизга иккиталам бизга мурожаат этинг!  
Манзил: Мирзо Улughбек тумани, Қорасоғ 6 даҳаси 10-й йил.  
Телефон (8711) 265-90-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

# ҚУТЛОВ

web sayti: www.21asr.uz



ЎЗБЕКИСТОН-GERМАНИЯ  
**«САВДОГАР»**  
 ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ  
 БАНКИ ЖАМОАСИ

жаннатмакон юртимиз  
 аҳолисини, биз билан  
 ҳамкорликда ишлаб  
 мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти,  
 халқимиз турмуш фаровонлигига  
 муносиб ҳисса кўшиб келаётган  
 кўп минг сонли мижозларимизни  
 Янги йил байрами билан  
 чин дилдан муборакбод этади.  
 «Мустаҳкам оила йили»да  
 хонадонларингиздан меҳр-мурувват,  
 аҳиллик, дастурхонингиздан  
 файз-барака аримасин!



**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

**«Андижон электр  
 тармоқлари»  
 корхонаси жамоаси**

барча фуқароларимизни,  
 юртимиз иқтисодий  
 салоҳиятини юксалтириш  
 йўлида фидокорона  
 меҳнат қилаётган  
 ҳамкасбларимизни

*Янги йил байрами*

*билан қизини табриклайди.*

*Янги йилда барча эзгу  
 ниётларингиз рўёбга чиқсин,  
 азиз Ватандошлар!*



## O'ZSANOATQURILISHBANK


### ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни,  
 шунингдек,  
 акциядорлари,  
 ҳамкор ва мижозларини  
 Янги йил байрами  
 билан қутлайди.

**2012 ЙИЛ —  
 «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ДА**

*Сизларга бахт-иқбол,  
 оилангизга тинчлик-хотиржамлик,  
 хонадонингизга файз-барака,  
 юртимизга фаровонлик тилаб қоламиз.  
 Янги йилда ҳаммага омад,  
 муваффақият ва зафарлар ёр бўлсин!*

[www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz)



# «МУБОРАК НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

*барча юрtdошларимизни  
Янги йил байрами  
билан муборақбод этади.*

*2012 ~*

*«МУСҲАХЖАМ  
ОИЛА ЙИЛИ» да*

*узoқ умр, сичап-саломатлик,  
онлаларингизга*

*шинлик-хотиржамлик пилайди.*

*Янги йил муборақ бўлсин!*



